Шавкат МАВЛАНОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар кафедраси доценти в.б., сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори PhD.
E-mail: shavkatmavlanov_717@gmail.com

МАЪНАВИЯТНИНГ ЯРАТУВЧАН ХАРАКТЕРИ – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ

СОЗИДАТЕЛЬНЫЙ ХАРАКТЕР ДУХОВНОСТИ - ОСНОВА НАЦИОНАЛЬНОГО ПОДЪЕМА

THE CREATIVE CHARACTER OF SPIRITUALITY - THE FOUNDATION OF NATIONAL RISE

Аннотация: *Мақолада маънавият тушунчасининг мазмуни, уни идрок этишнинг замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ўзгаришлардаги роли билан алоқадорликдаги аҳамиятидан келиб чиқадиган ёндашувлар таҳлил қилинган. Янгиланаётган жамиятимизда маънавий омилнинг ўсиб бораётган роли, ижтимоий-сиёсий жараёнларда маънавий мезонлар ўлчовининг аҳамияти тилга олинган. Шунингдек, хорижий мамлакатлар ва бугун жамиятимиз ҳаёти мисолида маънавий инқироз кўринишлари, сабаб ва оқибатлари ҳамда уларни кучлантираётган омиллари ҳам ўрганилган.*

Калит сўзлар: *Маънавият, жамият, ёшлар, сиёсат, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маънавий мезонлар, маънавий инқироз, технологиялар.*

Аннотация: *В статье анализируется содержание понятия духовности, подходы, вытекающие из важности его восприятия в связи с ролью современных общественно-политических процессов и изменений. Отмечены возрастающая роль духовного фактора в нашем современном обществе, важность измерения духовных критериев в социально-политических процессах.*

Также исследуются проявления, причины и последствия духовного кризиса в зарубежных странах и в сегодняшней жизни нашего общества, а также усиливающие их факторы.

Ключевые слова: *духовность, общество, молодежь, политика, социально-политические процессы, моральные критерии, духовный кризис, технологии.*

Annotation: *The article analyzes the content of the concept of spirituality, the approaches that arise from the importance of its perception about the role of modern socio-political processes and changes. The growing role of the spiritual factor in our modern society, the importance of the measurement of spiritual criteria in socio-political processes were mentioned. It also examines the manifestations, causes and consequences of the spiritual crisis in foreign countries and in the life of our society today, as well as the factors that strengthen them.*

Keywords: *spirituality, society, youth, politics, socio-political processes, moral criteria, spiritual crisis, technology.*

КИРИШ

Маънавиятнинг яратувчан характерини англаш субъектнинг ўз-ўзига оқилона муносабати ва ўзининг бетакрор қобилиятини ҳис қилиш орқали амалга ошади. Шу маънода, маънавий воқеликни англаш усули субъектнинг ўзига хос қадрият, маънавий ҳиссиётларини билиш асосида юз беради. Маънавиятнинг яратувчан характерини англашда субъектнинг шаклланиши билан боғлиқ ва шунинг учун ҳам у томонидан маънавий тажриба жараёнида қўлланилиши, унинг ўзига хос атрибутив хусусиятини акс эттириши мумкин. “Маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади” [5: 267].

АСОСИЙ ҚИСМ

Шунингдек, маънавият нафақат одамлар тафаккурининг тизимли ўзгаришларига олиб келади, балки сиёсий ҳаётдаги тизимли ўзгаришларни амалга оширишга хизмат қилади. Бунда маънавиятниг мавжуд сиёсий тузум талабларидан келиб чиққан ҳолда тасдиқлаш механизми, уни универсаллаштириш мезони устувор аҳамият касб этади. Аксарият ҳолларда маънавият ва сиёсат бошқа, жисмоний ва ижтимоий тизимлардан тамоман фарқ қилувчи координатлар тизимини юзага келтиради, ва айнан шунда маънавият ҳодисасининг қиймати сиёсий ўзгаришлардаги аҳамиятига қараб белгиланиши мумкин. Олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатдики, XX-XXI асрлар доирасида нафақат маҳаллий балки халқаро муносабатларда ҳам маънавиятнинг аҳамиятининг

ошиб бориши бу муаммони янги ижтимоий-сиёсий талаблар асосида ўрганишни тақозо бермоқда.

Маънавиятни қарашларнинг уйғунлашган тизими, инсоннинг ҳаётий мақсадларини моддийлаштира олувчи тартибга келтирилган дунёқараш сифатида акс эттириш мумкин. Б.Г.Ананьев “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити одамларнинг ўзаро муносабатлари ва ўзаро ҳамкорлигининг натижасидир”, деб ёзади [1: 12]. Замонавий маданиятшунослик қайд этишича, “охирги вақтларда ижтимоий лексикада маънавият тушунчаси дунёқарашни, шахснинг ҳаётга йўналтирувчи сабабларини белгилаш учун қўлланилади”, деган фикр мавжуд. Яъни принциплар, қарашлар, қадриятлар, идеаллар, эътиқодлар тизимига эга бўлган ҳолда инсон, ижтимоий гуруҳ, жамият ўзлари учун воқеликка бўлган муносабатни, ўз фаолиятлари йўналишини, ҳаётий муҳим мақсадларни аниқлаб оладилар. “Ушбу тарихий зарурат ва объектив ижтимоий-сиёсий жараён Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий соҳадаги бугунги тараққиёти ва истиқболини белгилайдиган стратегик тамойиллар ҳамда амалий фаолият дастурларини яратиш ва уларни ҳаётга жорий этишни тақозо этмоқда” [6: 268].

Шу боис асосий масала инсоннинг шахсий мақсад-муддаосини аниқ белгилаб, уни жамиятнинг умумий мақсад-муддаоси билан уйғунлаштириш ва бунинг натижасида инсонни маънавий янгилашга эришишдан иборатдир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, маънавий қадриятларнинг қиймати прагматизм доирасида катта қийматга эга эмас ва айнан улар учун қабул қилинган ушбу манфаатпарстлик мулоҳазалар сабабли улар рад этилиши мумкин. Фақатгина абадият каби олий мақсад инсонни ҳақиқий ахлоқий мавжудотга айлантириши мумкин. Шу сабабли дин арбоблари маънавият – бу фақатгина диний тушунча, деб даъво қиладилар. Бироқ бу каби қараш маънавиятнинг фақатгина бир турини уни илдизларидан ажратиб олган ҳолда бошқаларидан ажратади. Айни шу маънода, фалсафий ёндашув ҳам маънавиятни кенгроқ, унинг табиатини, генезиси ва тизимли хусусиятларини очиб берган ҳолда ўрганиш имконини яратади.

“Маънавият” жамият сиёсий ҳаётининг шаклланиш жараёнларини кенгайтирилган таҳлили инсон табиатининг ижтимоий ўзгаришлари истиқболларини аниқлаш учун зарур бўлиб қолди. Янги “маънавиятли” инсон – “интеллегент”нинг интеллектуал инсондан “интеллектуал”дан биринчи фарқи – бу ахлоқий йўналтирилган дунёқарашдир. Маънавиятли инсоннинг кейинги муҳим жиҳати – жамиятнинг ривожланишидаги иштирокидир. Янги маънавиятли инсоннинг яна бир таърифи ноёб ўхшашлик ва тўқлик, қадрлилик, фаровонликка эришишдир.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда маънавият мезони олий мақсадга мувофиқлик билан характерланади. Шунинг учун ҳам маънавиятни муайян сиёсий мақсадлар тизими сифатида илмий англаш учун янги методологик ёндошувни ишлаб чиқиш, маънавият ҳодисасини сиёсий жиҳатдан тадқиқ қилиш предмети ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш долзарб ҳисобланади. Анаъанавий ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги маънавият қисман, манфаатпарастлик, маккорона эмас, умумий, глобал оқиллик демакдир. Худди шундай маънавият феномени дунё цивилизациясининг инсонпарвар ўлчовидир. Маънавиятни англаш жараёни сиёсий жараёнларнинг барча жабҳаларида аҳамиятли ҳолатларни англаш билан боғлиқ. Чунки сиёсат хатто турли ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ҳам бу муаммо ўзига хос аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, сиёсий ҳокимиятга нисбатан очиқлик, виждонлилик, эркинлик, тенглик, жамоавийлик принциплари ҳақиқатан ҳам демократик жамиятга хос, ва улар маънавиятнинг сиёсий асосларини яратилиши ва сақлаб қолинишига асос бўлиб хизмат қилади. Чунки Э.Тоффлер таъкидлаганидек, “Ер қимирлашидан олдин унинг тектоник қатламларида силжиш бўлганидай, жаҳон тарихида жуда ноёб ҳодисалардан бири содир бўлмоқда – ҳукмронликнинг ўз моҳияти ўзгармоқда” [9:784]. Бизнинг назаримизда айнан сиёсат маънавиятни бошқарувчи ва ташкиллаштирувчи моҳиятларни ўрганиш орқали сиёсий жараёнларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлик хусусиятини кўрсатади. Бу айниқса ҳозирги дунё ҳамжамиятида юзага келган сиёсий мураккабликлар ва иқтисодий инқироз шароитида муҳим, чунки бундай муносабатнинг ортидан турли

даражадаги сиёсий ихтилофларнинг содир бўлиши эҳтимоли ҳам мавжуд. Масалан, бугунги глобал сиёсий ўзгаришлар шароитида ҳаётнинг маънавий асосларнинг инқирози ҳам фожиали тус олмоқда. “Оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган “йўқотилган авлод” муаммоси нафақат файласуф олимларни балки сиёсатчиларни ҳам диққат марказидадир. Шу сабабли ҳам “ҳозирги вақтда ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилиб, уни яхшилаш, такомиллаштириш бўйича самарали механизмларни ишга солишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам улар кутилган натижани бермаяпти” [6: 268].

Шу нуқтаи-назардан қараганда, маънавият ва унинг муаммоларини сиёсий жиҳатдан идрок қилмасдан туриб, қандай қилиб давлат ва жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари аниқлаб олиш мураккаб ҳисобланади. Шунинг билан бир қаторда инсоннинг дунёдаги ўрни, XX аср охирларидаги сиёсий ўзгаришларни инсон маънавиятига таъсири, маънавий инқирозларни олдини олишдаги хавфсизлик стратегиясини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Айниқса мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда фуқароларнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганини реал мавжуд бўлган ҳаётий далил ва мисоллар орқали талқин этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Борлиқнинг маънавий даражага ўтиши – бу шахснинг онгли равишдаги эркин танловидир, бироқ маънавий борлиқнинг асосий қонуни заруриятга бўйсунишдир. Ушбу қонунга бўйсуниш ўз навбатида миллат маънавий қиёфаси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам М.Х.Ногайлиева “Миллат қиёфаси унинг маданий–ахлоқий сифатлари билан реаллик касб этади” деган фикрни билдириб ўтади [7: 133].

Бугун амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни халқ онгига теран етиб бориши, амалда жадал ўзгаришлар ҳосил қилиши учун инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз беришни тақозо этади. Айниқса жамият сиёсий ҳаётида якка партия, ягона мафкура зўравонлигига барҳам бериб, кўп партиявийлик, фикр ва қарашлар хилма-хиллигини замон талаблари асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз ўринли бўлади. Тўғри инсонлар тафаккурини эски андозалар, тор қолипларни тугал тарк эттириб бўлмайди. Бу ҳақида жамиятшунос олим М.Бекмуродов шундай ёзади: “Катта қусуримиз бу - ўз умримизга шафқатсизлигимиздир. Бундай дейишга асос шуки, аксарият фуқароларимиз маиший ҳаёт лаззатларини маънавий камолот, ўсиш, янгиланишга нисбатан устун қўйишга мойилдирлар. Одамлар оғзидан бугун қандай мазали таом еганликлари, яхши дам олганликлари, тўйларга борганликлари хусусида кўп ва хўп эшитамиз-у, аммо фалон роман, мақола ёхуд спектаклда шундай муаммо кўтарилибди, фалон театрда янги асар қўйилибди ёки янги кўргазма намойиш этилаётган экан, деган гапларни кам эшитамиз” [3]. Шунинг учун ҳам ижтимоий-сиёсий тафаккуримиз, қарашларимиздаги янги тамойиллар ҳануз анча юзада, онгимизнинг сиртқи қатламларида қолиб кетмоқда, баъзан янги сиёсий қадриятларни ҳам эски ўлчовлар билан баҳолашга уринмоқдамиз. Қачонки инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз бермас экан, Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуриш орзуси ширин ҳаёллигича қолаверади. Маънавият ва маърифат муаммосига алоҳида эътибор қаратилишининг асосий сабаби айни шу йўналишда намоён бўлмоқда.

Одатда баъзи сиёсатшунос олимлар томонидан сиёсат ва ахлоқ тушунчаларини ўзаро мос келмаслиги алоҳида таъкидланади. Ваҳоланки ахлоқ сиёсий ҳокимият учун олиб борилган курашда зўравонлик, бюрократия, порахўрликни олдини олишда муҳим маънавият озуқа вазифасини ўтайди. А.Пырин - «Ахлоқ замон ва макон билан боғлиқ бўлмаган маънавий қадриятлар мажмуидир. Агар ахлоқ сиёсат табиатини қабул қиладиган бўлса, у ижтимоийлик хусусиятини касб этади. Яъни, юқоридан пастга тушиши билан мажбуриятга, у орқали қонунга айланади» - дейди [8: 10]. Шунинг учун ҳам сиёсат ва ахлоқ ўртасидаги муносабатларни тўғри тартибга солиш барқарор сиёсий муҳитга боғлиқ. Чунки зўравонлик кенг тарқалган, террор, бюрократия, порахўрлик авж олган, аксилдемократик, қолоқ режим устувор бўлган жамиятда нафақат ахлоқ балки оддий инсонпарвар ўлчовларга эга бўлган

сиёсий муносабатлар ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Ёки масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар ва уларнинг амалий натижалари маънавий мезонларсиз а алга оширилиши анчайин мураккаб кечади. Масалан, "ёшларга кенг имкониятлар яратиб беряпмиз, катта-катта лавозимларни уларга ишониб топшириряпмиз. Уларда билим бор, истеъдод бор, лекин, айримлари миллий замин, миллий маънавиятимиздан узоқлашиб кетгани сезилиб қолмоқда [6: 268].

Аристотелнинг ахлоқ тўғрисидаги қарашлари ҳам бундай мулоҳазаларни тасдиқлайди: «Муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган, яъни муносиб шахс бўлмаган одам сиёсий фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Муносиб одам бўлмоқ ахлоқий фазилатлар эгаси - фозил бўлмоқ, демакдир. Зеро, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаолият юритмоқчи бўлган одам ахлоқан фазилатли одам бўлмоғи керак» [2: 96]. Бизнинг назаримизда ҳам сиёсат ва маънавият, маънавият ва иқтисод ва улардан келиб чиқувчи демократик кайфият, инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқлари, кишилар ўртасидаги ўзаро ишонч ва толерантлик борасидаги турли мамлакатларни тажрибаларини келтириб ўтсак бу борадаги қарашларимиз аниқ маъно-мазмунга эга бўлади.

Ҳар қандай давлатнинг тараққиёти, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самараси қонун устуворлиги қанчалик таъминлангани билан белгиланади. Кант бу ҳақида шундай ёзади: «Фақат ҳар бир инсоннинг ўзи учун ўзи ахлоқий қонун ўрната олиш қобилияти негизида. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон ўз ахлоқий қонунининг ижодкори ҳисобланади. Ҳар бир индивид ахлоқий жиҳатдан мустақил. Бу айтилганлар одамларда ахлоқий қонунлар белгилаш эрки борлиги ва улар шундай қилиш учун етарли ақлга эга эканини кўрсатади. Эркин ва оқил шахслар фақатгина ўзлари учун маъқул бўлган қонунларни ўрната олмасликларини тушунадилар» [10: 430]. Қолаверса, қонун устуворлиги ўша мамлакат аҳолисининг ахлоқи кўзгуси ҳамдир. Шу боис сўз юритаётганимиз давлатларда айни хусусиятлар қанчалик шаклланган дин ва ахлоқ ўртасидаги муносабатни ойдинлаштиришда бениҳоя муҳимдир. Инсон мулоҳазаларининг энг олий босқичи маънавият учун ҳам ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган идрокдир. И. Кант идрок тушунчасини англаш, тафаккур қилиш мумкин бўлган барча нарсаларни умумлаштириш имкониятига эга бўлган тушунча сифатида очиб беради. Кант идрок "тизимли тафаккурни, яъни билимларни бир принципга кўра боғлашни" амалга оширишга интилади, деб ҳисоблаган. Мақсад ва моҳият фақатгина тизим доирасида таърифланади, ва идрок бир вақтнинг ўзида ҳам қобилият ва тизим талабидир.

Ҳозирги даврда маънавиятга бўлган замонавий қарашларда субстрат ва информацион дуализм намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврдаги ялпи компьютерлаштиришни «рўй бераётган техник инқилоб рамзи ва ифодаси» деб қараб, америкалик файласуф Д.Белл унда шаклланаётган «постиндустриал» жамият шакл-шамойилларини кўради. Унинг фикрича, «асосий белгилар» – моддийлик (яъни ишлаб чиқариш соҳаси) ва маънавият (маданий институтлар соҳаси) ички қарама-қаршиликка эга бўлади. Бу жараён эса «ахборотлашган» жамиятнинг емирилиши ҳавфини пайдо қилади [4: 944]. Сўнгги йилларда бунга қарама-қарши концепция – технофобия, яъни техниканинг барча соҳаларни қамраб олишидан қўрқиш концепцияси ҳам тарқалмоқда.

Инсон фан-техника тараққиёти исканжасида ўзини ожиз қўғирчоқдай ҳис қилади. Шу нуқтаи назардан фан-техника тараққиёти шу қадар кенг кўлам касб этмоқдаки, жамият назорати остидан чиқиши ва цивилизацияни вайрон қиладиган кучга айланиши, инсон яшайдиган муҳит – табиатга ва инсоннинг ўзига катта зиён етказиши мумкин. Бу бутун инсониятни ташвишга солмоқда, чунки қайтариб бўлмайдиган даҳшатли куч хусусиятини касб этмоқда. Д.Беллнинг ушбу концепцияси антисциентизм таълимотида ўз ифодасини топган. Шакл-шамойиллари эндигина намоён бўлаётган жамият шу билан тавсифланадики, унда ахборот ва билимлар алоҳида, муҳим ўрин эгаллайди.

Тоффлер эса Д.Белл каби фан ва техника тараққиётига салбий ҳодиса сифатида қарамасдан, балки бу тараққиётни инсонпарвар манфаатлар билан уйғунлаштиришни таклиф қилади. Шу маънода у «юмшоқ технология», «экологизм», «гуманизм ва маданиятнинг маънавий қиймати» хусусида ўз қарашларини

илгари суради. Тоффлер фикрича учинчи тўлқин жараёнида ижтимоий турмуш тарзи тубда ўзгаради, яъни бунда шахснинг эҳтиёжини қондиришга катта эътибор берилади. Бу эса инсонни билиш қобилиятни ўзгартириб, уни ижодкорлик томон йўналтиради. Охир оқибат эса инсонда шижоаткорлик, уддабуронлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик каби ижобий маънавий-ахлоқий сифатлар шаклланади. Ўз даврида айни шу қарашлари асосида Тоффлер "глобал трендларнинг ўткир кузатувчиси ва башоратчиси" сифатида тан олинган. Тоффлер Ғарб мамлакатларидаги давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва оила инқирозининг барча сабаб ва оқибатларини олдиндан башорат қилган. Футуролог интернет, персонал компьютерлар, кабель телевидениеси ва ҳаттоки клонлаштиришни инсоният ҳаётига соладиган хавфни тўғри прогноз қилган.

Маънавий соҳанинг муайян қисмини дин, эътиқод билан боғлиқ қарашлар ташкил этади. Бу жараённи америкалик машҳур сиёсий арбоб Сэмуэл Хантингтон ўзининг "Тамаддунлар тўқнашуви" асарида атрофлича тўхталиб ўтган эди. Унинг фикрича, айнан дин жамиятни бирлаштириш ва интеграциялаштиришга хизмат қилади. Бироқ дин ва сиёсат соҳасидаги бирлашувни ташкил этиш анча мураккаб ҳисобланади. Чунки агар диннинг таъсир доираси ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришларга жиддий аралашишни тақозо этаётганлиги кузатилса, ижтимоий ва миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқишига, жамиятдаги маънавий барқарорликка путур етиши мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, манавият бугунги кунда бевосита ижтимоий-сиёсий қадриятлар инқирози муаммолари билан боғлиқ ҳолда ҳам намоён бўлмоқда ва уларнинг энг оптимал ечиси сифатида намоён бўлмоқда. Бир пайтлар маънавий куч ҳақида далиллар буткул рад этилган постиндустриал жамиятларда ижтимоий-сиёсий қадриятлар табиати, уларнинг мезонлари, миллий ва умуминсоний, шахсий ва жамоавий кўринишларининг ўзаро нисбатини аниқлашда турли зиддиятли фикр-мулоҳазалар пайдо бўлмоқда. Шу маънода, ижтимоий-сиёсий қадриятлар инқирозини маънавият талаблари асосида ўрганиш амалий идрокни юқори даражада ишга солишни, аниқ мақсадли ва уларга мос ижтимоий-сиёсий билимлар иерархиясини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – СПб.: Издательство СПГУ, 1998. – 12 с.
2. Аристотель. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 96.
3. Бекмуродов М. Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети // "Ҳуррият" газетаси. – Тошкент, 2002. 9 октябрь.
4. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. – Москва: Academia, 2004 . – 944 с.
5. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистан стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 267.
6. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистан стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 268.
7. Ногайлиева М.Х. Образ человека в структуре духовного производства: социально–философский анализ: диссертация ... кандидата философских наук. – Пятигорск, 2007. – 133 с.
8. Пырин А. О смешении морали с политикой // Независимая газета. 2003. Июнь – № 122. – С. 10.
9. Тоффлер, Элвин. Третья волна. – Москва: АСТ, 2004. – 784 с.
10. Фалсафа тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 430.